O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
QIBRAY TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ХОКИМ
КИБРАЙСКОГО РАЙОНА
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

QAROR
РЕШЕНИЕ

20/19 yil «26» 10 2962 -son Qibray sh

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда) 17-моддаси, "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртача сонининг 7 фоизи миқдорида - **796** та, шундан:

- ногиронлар учун 2 фоиз - 16 та;
- 14 ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун 12 фоиз - 95 та;
- таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун 62,8 фоиз - 500 та;
- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 10 фоиз - 80 та;
- бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 2 фоиз - 16 та;

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 4,2 фоиз - 33 та;

- бошқалар учун 7 фоиз - 56 та (кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 3,5 фоиз - 28 та, сафарбарлик чақирувига захирага киритилганлар учун 1,75 фоиз - 14 та, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун 1,4 фоиз - 11 та, одам савдосидан жабрланганлар учун 0,35 фоиз - 3 та) иш ўринлари захираси белгилансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиши лозим бўлган корхона, ташкилот, муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизини, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш), ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар, лавозимлар ва мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни, қарор ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳужжатларни (буйруқларни) Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. 2019 йил 1 апрелга қадар банд қилинган иш ўринлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарорига асосан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, белгиланган муддатлар ва тартибда ажратилишини (банд қилиб қўйилишини), иш жойларининг шароити санитария-гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарор ижросини лозим даражада таъминламаган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 22-бандига мувофиқ, белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, ижтимоий

муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда ракобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш маркази жамғармаси маблағи ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (О. Зулпанов) бир ҳафта муддатда ушбу қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан доимий назоратни амалга оширсин.

9. Қибрай тумани ҳокимининг 2017 йил 26 сентябрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 2570-сон қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б Д. Исломов зиммасига юклатилсин.

"NUSXA ASLIGA TO'G'RI"
devonxona mudiri

Ҳоким **М. Миркасимов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI QIBRAY TUMANI HOKIMLIGI
DEVONXONA

Қибрай тумани Хокимининг
2018 йил "____" _____ даги
"____"сонли қарорига илова

Ижтимоий мухофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йилга банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхати.

	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Уларда ишловчилар сони	ЖАМИ захираланган иш ўрни	Ёлгиз ота-оналар хамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар	Таълим муассасаларини тугатган ёшлар	Муддатли харбий хизматдан бушатилганлар	Ногиронлар	Пенсия ёшига якинлашиб колганлар	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар	Одам савдосидан жабрланганлар учун	Кичик ёшли болалари булган ишламаётган аёллар	Сафарбарлик чакируви захирасига киритилганлар	Ижтимоий ахамиятли касалликлар билан огриётганлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Тош.ДавлатАграр Университети	1274	89	8	53	18	1	1			5		3
2	Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази	137	10	2	4	1	1				1	1	
3	Ботаника санаторияси МЧЖ	215	8	1	5						2		
4	Пахта селекцияси, уругчилик ва етиштириш агротехнология. ИТИ	352	21	2	14	1	1	1			1		1
5	Ўсимликшунослик илмий тадкикот институти тел:	59	4	1	2		1						
6	Узнаслчилик давлат корхонаси	70	3	1	1						1		
7	3568-сон Халк Банки тел:	70	3		3								

8	Ўзсаноаткурилишбанк АТБ Кибрай туман филиали бўлими	50	2		2								
9	Инвестфинансбанкфилиали	57	2		2								
10	Савдогар банк Кибрай филиали	59	2		2								
11	Умид Гулшани санаторияси МЧЖ	96	6	1	4			1					
12	ТАШ.ОБЛ.БЮРО СУД.МЕД.ЭКСПЕРТИЗ	186	11	1	7			1			1		1
13	Бўстон санаторияси МЧЖ	164	8	2	3	1		1					1
14	КИБРАЙ ТУМАНИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯЭПИДЕМ.НАЗОРАТ И МАРКАЗИ	144	10		10								
15	Узбекгеофизика ОАЖ	770	41	5	34	2							
16	Кибрай сувокова давлат УК	231	16	1	8	2	1				1	2	1
17	AJ "INTER-ROXAT"QK	655	11	2	7	1						1	
18	Республика болалар таянч харакат тизими касалликлари реаблитатсия маркази	235	15	2	9		1	1			2		
19	ZAR-SUHROB М.Ч.Ж	29	3		3								
20	"Vatanparvar" tashkiloti	61	5		1	2		1				1	
21	FARHOD-MADAD-SHIFO хусусий корхонаси	145	10		7	1						1	1
22	Тошкент ИЭС	1296	83		74	9							
23	Туман тиббиёт бирлашмаси	2388	90	9	65	5	1	1		1	7	1	
24	Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Генетика ва ўсимликларни экспериментал биологияси институти	218	14	2	6	1	1	1			2		1
25	Республика болалар ортопедия маркази	258	15	5	4		1	1			2		2

26	Республика Наркология маркази	163	11	2	8							1	
27	4-сонли Монтаж бошкармаси	246	11	2	6	3							
28	Бюджетдан ташкари пенсия жамгармаси	25	2		2								
29	Янги Тошкент консерва корхонаси МЧЖ	46	8		1	1	1						
30	Карвон Кўшма Корхонаси	123	8	2	4	1	1						
31	Афсар ЛТД К/ Корхонаси	215	14	1	11	2							
32	«Имкон-плюс »хус.и/ч. Фирмаси	257	20		15	5							
33	Кибрай Шароб илмий экспериментал корхонаси	201	12	5	5	2							
34	Навруз интернешонол	169	11		6	3						2	
35	"GERMES NORTH TRADE" МЧЖ	142	10		8	2							
36	Тошпарранда Х.Ж.	217	15	2	4	3	1	2	2	1			
37	Имкон Броллер МЧЖ	180	12		8	3			1				
38	Кадирья ГЭС лар тизмаси	241	15	6	5	2		1				1	
39	Тошвилоятавтосарой Х.Ж.	416	29	13	12	1		1	2				
40	Кибрай тумани ободонлаштириш бошкармаси	276	19	2			1		16				
41	Тошкент вилояти "Сувокова" Давлат унитар корхонаси	93	7	1	3		1	1				1	
42	Кибрай туман йўл хўжалиги таъмирлаш фойдаланиш корхонаси	101	8				1	1	6				
43	ARENA FASHION МЧЖ	107	12	2	9		1						
44	WHITE ELEPHANT МЧЖ	191	15		15								
45	Textile chemical solutions МЧЖ	150	15	4	11								